



КАШГАР ШАХРИНИНГ ФАТХИ ВА КУТАЙБАНИНГ ЧИН БИЛАН ЖАНГИ

Шундай килиб, Валид ибн Абдулмалик вафот этгач, халк Сулаймонга байъат килди. Кутайба ундан кўркиб, кўшин тўплади ва Бела дарёси ортига ўтди. У ўз ахлини Самаркандга олиб кетишни истади. У ўша жойни мустахкамлашни хохлади. Дарёдан ўтгач, Кашгар томон йўл олди. Кашгар Чинга якин шаҳар эди. У ўша ерга етгач, Чин хокони бу ҳақда хабар топди. У элчи юбориб:

— Сенинг амалдорларингдан бир кишини юбор, сизларнинг динингиз хақида баъзи нарсаларни сўрай, — деди.

Бу сўз устига Кутайба мусулмонлардан 12 кишини танлади. Улар хайбатли, кудратли, бакувват, покиза, диндор ва чиройли ибодатли, сўз айтишни билган кишилар эди. Уларни энг яхши куруллар ва хилма-хил кийимлар ҳамда отлар, зийнатлар ва безатилган эгарлар билан тайёрлаб, Чин хоконига юборди. Уларнинг бири Хубайра эди, у ширинсўз одам эди. Кутайба уларга шундай деди:

— Сиз Чин хоконига менинг номимдан шундай дейинглар:

— "Кутайба сизнинг ерларингизга оёк босмагунча, амалдорларингизнинг бўйнига занжир такмагунча ва сиздан хараж олмагунча кайтмайди."

Улар йўлга чикиб, Чин юртига етдилар. Чин хокони ҳам одам юборди. Улар хаммаси оппок кийим кийишган эди. Оппок матолар боғлашган, оёқларига мос пойабзал кийишган эди. Чин хокони хузурига кирдилар. Чин подшохи:

— Ўтиринглар! — деб буюрди. Улар ҳам ўтирдилар. Бутун Чиннинг зотли кишилари ва амалдорлари ҳам ўтирган эдилар. Хеч ким огзини очиб гапирмади. На улардан, на булардан сўз айтувчи бор эди. Охирида мусулмонлар туриб кетдилар.

Улар чикиб кетгач, Чин хокони амалдорларига юзланиб:

— Бу келган кишиларни қандай топдингиз? Қандай кўрдингиз? — деб сўради.

Улар эса:

— Аёлларга ўхшаган кавм экан! — деб жавоб беришди.

Вакт ўтиб, эртаси куни бўлди. Чин хокони уларни яна чакирттирди. Эрталаб бўлганда, араб элчилари бу гал нихоятда гўзал матолар ва нозик кафтанлар, латофатли ва юмшок ипаклар ўраб, чиройли жилитлар ичида хокон хузурига кирдилар. Ўша куни ҳам ҳеч ким гапирмай, яна қайтиб кетилди. Чин хокони яна амалдорларига юзланиб:

— Бу кавмни қандай кўрдингиз? — деб сўради.

Улар эса:

— Бу сафар улар авлиёларга ўхшаб туришди! — деб жавоб бердилар.

Вакт ўтиб, эртаси кун бўлди. Чин хокони уларни яна чакирттирди. Бу гал улар ўзларини жанг қуроллари билан безатиб, ҳашамдор килиб тайёрландилар. Ораларига кафтанлар кийиб, белларига олмос билан безатилган қиличлар ва бошқа қурооллар такдилар. Бошларига пўлатдан ясалган қалқонли жилдлар кийдилар.

Елкаларига кўплаб камонлар ва найза учлари олдилар. Ва яхши тайёрланган отларга миниб, Чин хокони хузурига чиқдилар. Хокон уларни узоқдан кўриб, кўркиб кетди. Улар унинг хузурига етмасдан:

— Орқага қайтинглар! — деб буюрди. Улар ҳам орқаларга қайтиб кетдилар.

Чин хокони яна амалдорларига юзланиб:

— Уларни қандай кўрдингиз? — деб сўради. Чин амалдорлари:

— Қасамки, биз ҳеч қачон бундай эр юрак одамларни кўрмагандик. Ва улар каби қахрамонларга дуч келмагандик, — деб жавоб бердилар.

Шунда Чин хокони уларга бир одам юбориб:

— Ичингиздан энг доно ва фазилатли бўлганингиз келсин! — деб буюрди. Араб элчилари ораларидан Хубайрани юбордилар. Хубайра Чин хокони хузурига кирди. Хокон:

— Сиз менинг мамлакатим ва салтанатимни кўрдингиз. Хали ҳам менинг шахримда турибсиз.

Энди сиздан бир нарса сўрайман. Агар шу саволга жавоб берсангиз, яхши. Агар жавоб бера олмасангиз, сизни ҳам, ёрингизни ҳам ўлдираман, — деди. Ва кейин Хубайрага шундай савол берди:

— Биринчи куни менинг хузуримга битта кийимда келдингиз. Иккинчи ва учинчи кунлар эса бошқа хилда келдингиз. Бунга сабаб нима?

Хубайра шундай жавоб берди:

— Биринчи куни кийимларимиз билан келдик. Яъни, болалар ва аёллар хузурига уруш килиш учун келгандик. Иккинчи куни эса эркаклар хузурига чиқиш учун шундай кийимда келгандик! Учинчи куни эса кахрамонлар хузурига чиккандик, — деди.

Хитой хокони бу сўзларга хайрон бўлиб колди. Охирида:

— Яхши чора ўйлаган бўлсангиз керак! — деди. — Энди ортга кайтинг. Подшохингизга боринг ва унга:

— Ортга кайтишини айтинг. Мен унинг аскарларининг озлигини биламан. Акс холда одам жўнатаман, сизларни ҳам, уни ҳам халок киладилар! — деди.

Хубайра:

— Эй подшоҳ, айтганинг бу кандай гап? Ана шу аскарки, бир учи сенинг шахриндадир, иккинчи учи эса неча манзил жойдадир. Хамда Кутайба шунча галаба козонди, шунча шахарларни эгаллади, унинг ичидан янада кўпрок галаба ва фатх хирси бўлмаслиги мумкинми? Энди у сенинг устингга газот килишга келди.

Аммо сенинг бу холда бизни ўлдириш билан кўркитишинг кўзимизни ҳам кимирлатмайди. Чунки бизнинг учун белгиланган ажал мавжуд. Агар у хозир, шу вақтда тугалланган бўлса, биз учун ўлим ҳеч ҳам жирканч эмас, — деди.

Хитой хокони ҳам:

— Кутайба мендан нима билан рози бўлади? — деб сўради.

Хубайра жавоб берди:

— У бу ердан кайтмасликка касам ичган. Унинг оёғи сенинг ерингга кадам қўймасдан, амирларингнинг бўйнига занжир такмасдан ва сизлардан жизя (хараж) олмасдан ортга кайтмайди! — деди.

Хитой хокони:

— Мен уни ўша касамдан халос килай! — деди. — Бу шахарнинг тупрогидан унга берай. Ва оёғини у... ўша тупрок устига боссин. Ва амирларимдан ҳам бир нечтасини унга

жўнатай, токи уларга занжир таксин. Ва ҳамда мол жўнатишни ҳам кабул килай. Токи юртимдан чикиб кетсин, — деди.

Дархол буйрук чикарди. Жуда кўп мол олиб келинди. Шахар тупрогидан ҳам бироз тупрок олиб келдилар. Уларни тўрт хитойлик билан Кутайбанинг хузурига олиб бордилар. У тупрок ва моли кўрсатилди. Кутайба ҳам ўша молни кабул килди. Ва буюрди. Ўша тўрт кишига занжир такдилар. У тупрокни ерга ёздилар. Кутайба эса туриб, ўша тупрок устида юрди. Кейин ўша тўрт кишини Хитой хоконига кайта юборди. Сўнгра у ердан кайтди. Марв шаҳрига келди.

КУТАЙБАНИНГ ХУРОСОН ВИЛОЯТИДА ИСЁН КЎТАРИШИ

Кутайбанинг исён килиши шундан келиб чиккан эдики, аввалги халифа Валид ибн Абдулмалик Сулеймонни валийахдликдан чиқариб, ўз ўгли Абдулазизни валийахд килишни хоҳлаган эди. Ва шу фикр билан барча мусулмон шаҳарларига мактублар жўнатган эди. Ва барча халкни ўғлига байъат беришга чакирган эди. Аммо бу буйрукка Хажжож ибн Юсуф ва Кутайбадан бошқа ҳеч ким бўйсунмаган эди.

Ундан кейин Валид узок ўтмай дунёдан ўтди. Халк Сулеймонни халифа деб тан олди. Сулеймон эса унутмаган нарсалардан бири — Кутайбанинг Абдулазизга байъат бергани эди. Ва Сулеймон Язид ибн Мухаллабни жуда яхши кўрар эди. Хуросон эса Язиднинг хаёлидан чикмас эди.

Шунинг учун Кутайба:

— «Сулеймон Хуросонни Язидга беради», — деб ўйлади. Ўз ёрларидан бирини Нишопурга юборди, у Сулеймон ва Язиддан хабар олиб келсин деб. Ўша киши Нишопурга борди. Кўрганларини бир мактуб ёзиб, Кутайбага хабар берди. Мактубда шундай ёзилди:

— Ирок вилоятини Сулеймон ростдан ҳам Язидга берди. Ҳамда унга Сулеймон шундай буйрук берди:

— Акийл Сакафий, ки Хажжожнинг кариндошидандир, уни хоҳласа, ўз ҳукмига олсин.

Кутайба:

— «Агар Сулеймон Ирокни Язидга берган бўлса, маълумки, Хуросонни ҳам унга беради», — деб ўйлади. У Хуросондан Хоразмга кетишни хоҳлади. У ерни ўзига қалъа қилиб, қўлида ушлаб турмокчи эди.

Бу хабар Сулеймонга етгач, у Язид ибн Мухаллабни Басрадан олдирди. Ва унга:

— «Билгинки, сенинг Ирокка вали бўлишинг Кутайбага огир келди», — деди.

Язид эса:

— Олиб бориладиган чора шундаки, сен унга мактуб ёз. Юмшок муомала қил ва унинг Фарғонага боришини кабул эт. Унга ўша атрофларда қалъаларни қатъ қилишни буюр.

Унга мактубни олиб борадиган элчига ҳам шундай буюр:

— Амирул-мўминнинг сизларнинг вазифангизни кўпайтирди. Ҳамда, қачон юртингизга қайтишни истасангиз, Кутайба сизларни мутлако тўсмоқда.

Шунингдек, ўша элчи халкка шундай десин:

— Агар сизлар ўз юртингизга қайтишни хоҳласангиз, подшоҳ сизга руҳсат берди!

Бу иш шундан келиб чиқдики, аскарлар ўз уйларига қайтишни хоҳлар ва яхши кўрар эдилар. Сулеймон шу фикр билан иш тутди.

У мактуб Кутайбага етгач, у мактуб мухрини очди. Ёзилганни ўқиди. Тамомлаганидан сўнг, элчи ўрнидан турди ва халкка шундай деди:

— Эй мусулмонлар! Халифа сизларнинг маошингизни кўпайтирди. Ва кимки ўз юртига қайтишни хоҳласа, уларга ҳам руҳсат берди.

Шунда Кутайба бу сўзлар халкни алдаш ва уларни Сулеймондан рози бўлишларини таъминлаш учун айтилганини англади. Дарҳол:

— Эй халк! — деди. — Билингизки, бу элчи сизларга бу сўзларни ёлгон гапирди ва унинг максоди, сизларни Сулеймонга осий бўлмасликка чақиришдир, — деди.

Сўнгра у ўрнидан туриб, уйига борди. Ва Сулеймонга учта мактуб ёзди. Биринчи мактубда ўзининг Абдулмалик ибн Марвонга садокати ва итоатини, ундан кейин эса Валидга итоати ва унга бўлган дўстлигини баён қилди ва:

— Агар мени Хуросондан азл этмайдиган бўлсанг, уларга қандай итоат қилган бўлсам, сенга ҳам шундай итоат қиламан, — деди.

Иккинчи мактубда эса, ўзининг мусулмон душманлари билан жанг қилгани ва улардан қанча шаҳарларни олганини, ўзининг Ажам юртида хайбатга эга эканини баён қилди. Ва Мухаллабнинг насабини таҳқирлади. Ва:

— Агар Язид Хуросонга амир бўлса, мен ҳам Сулеймон ибн Абдулмаликни халифаликдан тушираман ва унга қарши исён қиламан, — деди.

Сўнгра у учта мактубни ўз қулига топширди. Унга:

— Бу мактубларни Сулеймонга олиб бор. Биринчи мактубимни ўқиб бўлгандан кейин Язиднинг қулига берса, сўнг иккинчи мактубимни бер. Агар уни ҳам ўқиб Язидга берса, унда учинчи мактубни ҳам бер. Агар биринчи мактубни ўқиб, Язидга бермаса, сен ўша икки мактубни сақла ва ҳеч кимга кўрсатма! — деди.

Кутайбанинг одамлари Шомга халифа Сулеймоннинг ҳузурига етиб келдилар. Язид ибн Мухаллаб ҳам у ерда эди. Ўша киши биринчи мактубни Сулеймонга топширди. У ҳам уни ўқиб, Язидга узатди. Ўша киши кейин иккинчи мактубни ҳам Сулеймонга берди.

Сулеймон уни ҳам ўқиб, Язидга узатди. Ўша киши учинчи мактубни ҳам Сулеймонга берди. Сулеймон уни ҳам ўқиб, Язиднинг олдига ташлади ва:

— Кутайба билан яхши иш қилмадинг. У сенларга керакли киши эди. Биз уни ранжитдик, — деди. Ва буюрук бериб, ўша кишини ўз меҳмонхонасига жойлаштирди.

Эртаси куни у кишини чакиртирди. Унга бир кисса олтин берди ва Хуросон вилоятини яна Кутайбага багишлади. Сўнг Сосон исмли бир кишини ўша киши билан бирга Кутайбага юборди.

Улар йўлга чикиб, Хилвонга етганларида, карши томондан бир гуруҳ одамларнинг келаётганини кўрдилар. Улардан Кутайбанинг исён хабарини эшитгач, Сулеймоннинг элчиси ортга кайтди.

Кутайбанинг ҳам одамлари унинг хузурига келиб, унга шундай деди:

— Сулеймоннинг элчиси мен билан бирга сенинг хузуригга келаётган эди. У сенга Хуросон ҳукмдорлиги хақидаги ахдномани олиб келаётган эди. Хилвонга етганимизда у сенинг Сулеймонга осий бўлганигни эшитди. Ва сени ўлдирилган деб ўйлади. У ўша ахдномани менга омонат килиб, ўзи ортга кайтди, — деди.

Кутайба бу гапни эшитгач, килган ишидан пушаймон бўлди. Одам юбориб, ака-укаларини чакиртирди. Улар билан маслаҳат килди. Ака-укалари:

— Энди Сулеймонга ишонмаслик керак! — дедилар.

Сўнгра у Бахтарий ибн Абдуллохни ҳам чакирди. У Хуросонликлар ичида танилган ва ақл соҳиби киши эди. Унга:

— Эй Бахтарий! Мен сени кўп ишларимда синаб кўрдим, текширдим, сен ақлли киши эканигни билдим. Мен шундай-шундай иш килдим. Энди Сулеймондан кўркаяпман. Сен нима дейсан? Қайси йўлни кўрсатасан? — деб сўради.

Бахтарий ибн Абдуллох шундай деди:

— Сулеймон сенинг итоатингни, яхши хислатларингни ва душманлар билан бўлган жангларингни билади. У сени ўлдирмайди!

Кутайба эса:

— Сен менинг ўлимдан кўркишимни ўйлама. Менинг кўркишим Сулеймоннинг Хуросонни Язидга бериши ва мени азл килиб, ўз хузурига чакириб, халқ орасида хор ва хакир қилишидадир. Аммо, менинг назаримда ўлим хор ва хакир бўлишдан яхшироқдир, — деди.

Бахтарий шундай жавоб берди:

— Мен, Сулеймоннинг бундай иш қилишига ишонмайман. Менинг умидим шуки, унинг элчиси келиб, сенга Хуросон ҳукмдорлиги ахдномасини олиб келади.

Кутайба эса:

— Эй Бахтарий! Сен айтган нарсга аллақачон содир бўлган. Сулеймоннинг элчиси Хилвонгача келган, менинг Сулеймонга қарши чиққанимни эшитгач, ортга кайтган, — деди.

Шундан сўнг Кутайба унга:

— Эй Абу Мухаммад! Мен Хуросондан хотиржам бўлиш учун бир иш килмокчиман, — деди. У эса:

— Эй амир! Ўша иш нима? — деб сўради.

Кутайба жавоб бериб:

— Согур йўналишига бир канча отлик жўнатмокчиман. Улар кўрккан йўлларга кириб, кузатиб турсинлар, — деди.

Хошим эса:

— Эй амир! Бир йўл борки, агар уни мухофаза килсанг, барча йўллардан хотиржам бўласан! — деди.

Кутайба:

— У кайси йўл? — деб сўради.

Хошим:

— Бу ажал йўлидирки, у пешонага ёзилгандир, — деб жавоб берди.

Кутайба каттик ранжиди. Тожини бошидан олиб, ерга улоқтирди. Ва бир бор нафас олди.

Хошим эса ўз-ўзига:

— Яхши гап айта олмадинг, — деди. Ва йўлга тушиб кетди.

Шундан кейин Кутайба яна акаси Абдурахмонни чакиртди. У билан маслахат килди.

Абдурахмон шундай деди:

— Менинг хаёлимга келган нарса шуки, сен Самарканд йўлидан юриб, халкка:

— Кимки мен билан колса, уни яхши тутаман ва у нима хохласа, имкон қадар бериб тураман. Ва кимки уйига ёки шахрига қайтишни хохласа, марҳамат, кетаверсин. Ҳеч ким уни тўсмасин, ман этмасин.

Агар сен билан кетмайдиганлар бўлса ҳам, сен ўз дўстларинг ва ихлосли кишиларинг билан йўлга чикасан. Шундан кейин бориб, Сулеймонни тахтидан туширасан! — деди.

Абдуллох Муслим ҳам унга:

— Сулеймонни тахтдан тушир ва халкни ҳам шу ишга бирликка чакир! — деди.

Кутайба эса:

— «Килинадиган иш шу!» — деб, халкни ҳам шу ишга бирликка чакирди ва минбарга чикиб, хутба ўқиди. Ва Аллох таолога ҳамду сано айтди. Кейин шундай деди:

— Эй халк! Сиз билурсизки, мен сизларнинг амирингиз эдим. Ганимат молларини сизларнинг орангизнида таксим қилдим, маошларингизни тўлик бердим. Сиз мендан олдин келган амирларни синаб кўргансиз. Аввал Умайя ибн Абдуллох амир бўлди. У бирон душман билан жанг қилмади, ганимат молини ҳам олмади. Уни итоатли ёки итоатсиз деб ҳам билмадик. Ва Абдулмалик:

— «Бу Хуросон менинг ошхонамга етмайди», — деб мактуб ёзди.

Ундан кейин Мухаллаб ибн Аби Суфра амир бўлди. Ва унинг ҳукми остида бутунлай хайратда қолдингиз. Уни ҳам итоатли ёки итоатсиз деб билмадик. Ва у сизларнинг молларингизни олиб қўярди. Ва танангиздан кийимларингизни ечиб оларди. У ҳам ганимат олиб келмади, бирон душманни ҳам тутмади.

Ундан кейин унинг ўғиллари келдилар. Уларнинг бири Язиддир. Унинг қайси йўлда ҳукм қилганини ҳам биласиз. Менинг ҳукм ва ҳукмдорлигимни ҳам биласиз. Ва адолатимни қўрдингиз. Шундай экан, менга ҳар йўлда итоатли бўлинг! — деди.

Бутун халқ жим турди. Ҳеч ким жавоб бермади. Шунинг учун Кутайба газабланди ва шундай бакириб юборди:

— Аллоҳ таоло сизлар ёрдамчи бўладиган кишини азиз қилмасин! Бизларни бир гуруҳ қолдириб қетишингиз мумкин. Бизларни ёлғиз ташлаб қетганларга лаънат бўлсин! Улар муфлис бўлиб турганларида, мен уларни аҳам амирларининг ва турк амирларининг ганиматлари билан бой қилдим. Валлоҳи, агар сизларнинг амирингиз Язид ибн Мухаллаб бўлганда, у сизларни шу темир билан тошни уриб синдирганидек синдирган бўлар эди! — деди.

Бу сўзлар халқнинг қўнғлига ёкмади. Хамма яна жим қолди, жавоб берувчи бўлмади. Хаммаси тарқалиб қетишди. Кутайба ҳам уйига борди. Унинг ака-укалари ва уй ахли унинг ҳузурига кириб:

— Эй Кутайба! Бугун қандай иш қилдингки, улуғ кишилар ва дўстларни ўзига душман қилдинг? Энди бутун халқ сендан беғириб қолди, — дедилар.

Кутайба:

— Мен уларга хитоб қилдим, улар эса менга жавоб бермадилар. Шунинг устига қалбимни газаб олови қоплади. Кейин нима деганимни ҳам билмай қолдим. Валлоҳи, мен бу кундан кейин буларга амир бўлмайман. Уларни танқид ҳам қилмайман, — деди.

Халқ у ердан тарқалгандан кейин, Кутайба билан орасида душманлик бўлган Абдурахмон Касрийнинг ҳузурига қилишди. Унга:

— Бугун Кутайба халққа қандай сўзлар сўзлади! — дедилар.

У эса:

— Эшитдим. Энди нима хоҳлайсизлар? — деб сўради.

Халқ:

— Унинг ҳузурига боришингни ва бизга уйимизга қайтишга рухсат олишингни хоҳлаймиз! — дедилар. — Ундан кейин у нима қилишни ўзи билади. Хоҳласа, Сулеймонни тахтидан ағдарсин, хоҳласа, унга бўйсунсин. Агар бизга рухсат бермаса, ўзимиз кетаверамиз, —

дедилар.

Абдурахмон Касрий шундай деди:

— Эй кавм! Сизлар мен билан у орасида кандай душманлик борлигини биласизлар. Хозир мен унинг хузурига бора олмайман. Аммо, унинг акаси Абдурахмоннинг хузурига бораман. У уларнинг каттасидир, — деди.

У дархол ўрнидан туриб, Абдурахмон ибн Муслимнинг хузурига борди. Хамма воқеани уқтириб берди. Абдурахмон эса:

— Менинг акаим Кутайба бу сўздан кўркмайди ва ҳеч ҳам хайрон бўлмайди. Хозир мен одамларимни жўнатаман, у кавмни таркатсинлар ва тоғлар бошига хайдасинлар, — деди.

Абдурахмон Касрий бу гапга газабланиб:

— Валлохи, агар сен шундай килсанг, улар ҳам йигилиб, сени оламга шармандали ва русвой киладилар! — деди ва ўрнидан туриб, чикиб кетди.

Абдурахмон ибн Муслим ҳам Кутайбанинг хузурига борди. Хамма воқеани баён килди. Кутайба:

— У ким бўпти-ю, унинг гапидан кандай маъно чиқади? — деди.

Бу хабарни Абдурахмон Касрий эшитгач, ўша кавмга шундай деди:

— Энди нима килишни ўзингиз биласиз. Нима иш килсангиз, хаммаси ўз кўлингизда. Уни амалга оширинг!

Халк ҳам Кутайбани унинг мансабидан агдаришга қарор килди. Бу хабарни ўша вақтда Убод ибн Ийяс эшитди. Дархол Кутайбанинг хузурига бориб:

— Эй амир! — деди. — Нега бундай иш килиб, халкни ўзингга душман қиляпсан? Хозир уларни чақир, ҳар бирига ўз уйларига кетишга рухсат бер. Шунда душманларинг уч кунда таркаладилар. Кейин эса ўз тадбирин нима бўлса, шуни амалга ошир! — деди.

Кутайба:

— Энди нима килиш керак? — деб сўради.

Убод шундай жавоб берди:

— Ўзинг ишонч қилган халкни йиг. Шундай сўзлар айтки, халк жангга тайёргарлик кўришни билсин. Ва душманларингдан ҳар бирини олиб қелиб, бўйнини олдир. Кўрганлар бу ҳолатдан даҳшатга тушиб, сен билан иттифок тузсинлар!

Кутайба эса:

— Уни қила олмайман! — деди.

Убод эса:

— У ҳолда, халкни чақир! Ҳар бирларига пул улуш қилки, сендан рози бўлсинлар ва сенга бўйсунсинлар, — деди.

Кутайба:

— Уни ҳам кила олмайман. Уларга яхшилик фойда бермайди, — деди.

Шунда Убод, калбидан:

— Валлохи, улар сени ўлдирадилар, — деб, Кутайбанинг хузуридан чикиб кетди.

Шундан кейин Кутайба халкнинг бир ерда йигилиши учун мунодийларга элон килдирди. Ва уларга хутба килди. Аввал Аллох таолога ҳамду сано айтиб, сўнг халкнинг олдида туриб, сўз сўзлади:

— Мен бу ерга келган вақтимда сизларнинг кийганларингиз чул ва гилам эди. Еган таомларингиз курук нон эди. Хеч қандай катик ҳам йўқ эди. Мен сизларга чиройли ва лаззатли таомлар еб бердим. Гўзал кийимлар кийдирдим. Ва билмаган нарсаларингизни сизларга ўргатдим. Ва сизларни олам ичида улуг ва машхур килдим. Қачон Эшъаснинг ўгли билан кўл бирлаштириб, осий бўлдингиз, кўлингиздан ҳеч нарса келмай қолгач, менинг хузуримга келдингиз. Мен сизларни Хажжожнинг газаби ва қиличидан қутқардим. Хар йўлда неъматга ва роҳатга эришдингиз. Лекин охирида шу муқофотни кўрсатишингиз керакмиди? — деди.

Сўнгра яна:

— Каерда ўқлари беҳуда тушмайдиган қамончиларингиз?! Ҳам у аҷам подшоҳларининг ўғиллари ва турк амалдорлари, Самарқанд амирлари ва Хуросон амирлари, уларнинг сони ўн мингдан ортиқ эди.

Йигилишдагилар тик туришар эди. Кутайба сўзини давом эттириб:

— Уларнинг ҳеч бирининг ўқи адашиб кетмади, — деди.

— Мана, буларнинг ҳаммаси подшоҳ фарзандларидир. Душманга қарши туришда ва қилич силлашда сизлардан кўра яхшироқдирлар. Ва хар ишни араблардан яхшироқ битирадилар! — деди.

Кутайба тўғри ёки нотўғри нимани айтган бўлса ҳам, ҳеч қим унга яхши ёки ёмон бирон нарса демади. Шунда Кутайбанинг газаби янада ортиди. У жисмонан чарчади. Деярли ақлдан озиш даражасига етди. Ўйига қайтди. Халқ ҳам тарқалди. Ҳамманинг қалбида пайдо бўлган туйғу — Кутайбага қарши жанг қилиш эди.

Шу вақтда улар яна йигилишди. Хошим ибн Мунзирнинг хузурига келиб:

— Эй Абу Муҳаммад! — дедилар. — Кутайба энди чегарадан ўтди. Халқни жуда қўп озор берди. Шундан кейин, сенинг амиримиз бўлишингни хоҳлаймиз. Бизнинг ишларимизни сен бошқар, то ўша вақтга қадарки, Сулеймон ибн Абдулмаликдан бир амир келсин.

Лекин Хошим ибн Мунзир бу ишга рози бўлмади.

Шунда халқ Хошимни ташлаб, Абдуллох ибн Жаводахнинг хузурига борди. Хошимга айтганларини унга ҳам айтдилар. У эса:

— Мен сизнинг айтганларингизни қабул қилмайман, — деди.

Улар яна Хошимга кайтиб келишди. Унга каттик туриб талаб килишди ва шундай дедилар:

— Бакр ибн Вайл ҳам сенга мухолиф бўлмайди.

Хошим шундай жавоб берди:

— Мен бу ишга рози бўлолмайман. Яна бир кишини топинг. Чунки Мудар авлодлари кўпчилик. Ва улар Кутайбанинг тарафдорларидир. Улар ўз амирларининг халок бўлишини истамайдилар. Ва ўзларининг азл килинишига рози бўлмайдилар. Хамда биз уларга карши тура олмаймиз! — деди.

Шундан кейин улар Хошимни ҳам ташлаб, Хайём ибн Аёшнинг хузурига келишди. Ва унга:

— Сен бизнинг билан Хошим ибн Мунзирнинг хузурига бор. Ва бу йўлда унга бир неча сўз айт! — дедилар.

Шунда Хайём ўрнидан туриб, Хошимнинг хузурига келди ва унга шундай деди:

— Кутайбани ўриндан агдаришга нега рози бўлмайсан? Ва нега бизнинг устимизга амир бўлишни истамайсан? Биз сенинг рахбар бўлишингни хохлаймиз!

Хошим эса унга:

— Эй Абу Маъмар! Валлохи, бу гапни айтишга ҳам, эшитишга ҳам токатим йўк! — деди.

У ўрнидан туриб, яна ўтирди.

— Валлохи, тик туришга ҳам кувватим колмади. Бирдан, бу сўз Кутайбанинг кулогига етмаса деб кўркаман! — деди.

Хайём унинг хузуридан чиккач, Мудар авлодидан бўлган бир кишига одам жўнатди. Бу киши уларга тобе бўлган шахс эди. У кавмни йигиб, шундай деди:

— Бу иш ҳеч кимнинг кўлидан келмайди. Лекин битта арабий борки, бу иш факат унинг кўлидан келади. У эса Вакий ибн Абу Асваддир. Чунки у жуда жасур одамдир. Жангчи. Ишнинг окибатига карамайди. Ҳеч нарсадан кўркмайди, кайтармайди. Хамда унинг одамлари ва кабиласи кўп. Ўз яқинларидан ҳеч ким унга мухолиф эмас. Ва у Кутайба билан душманлиги бор. Чунки Кутайба унинг тиморини (ерини) кўлидан олиб, Дирор ибн Хасинга берган.

Шу захоти ўрнидан туриб, Вакийнинг хузурига борди. Бу йўлда у билан гаплашди.

Вакий:

— Эй Хайём! — деди. — Кўлингни узат!

Хайём ҳам кўлини узатди. Шу йўлда Вакий билан келишиб олди. Шу захоти Кутайбага хабар етказдилар. Кутайба:

— Валлохи, қачонки унга сугурилини (ишончини) берганимда, Хажжож менга:

— «Хайёмдан ўзингни эҳтиёт кил, у сенга зарар етказди», — деган эди, — деди.

Сўнгра ўз кабиласидан бир кишига Хайёмни ўлдиришни буюрди. Бу холдан Хайём ҳам

хабар топди. Кутайба эса унга одам юбориб, уни хузурига чакиртирди. У эса:
— Мен касалман! — деб бахона килди ва чакирувга бормади.

Бу орада халк Вакийга юзланиб, у билан махфий байъат килишди. Халк кўпайди. Шу кунларда Хуросонда Басрадан 40,000 киши бор эди. Улардан 9,000 киши Али авлодидан эди. 7,000 киши Бакрийлардан эди. Уларнинг бошликлари Хошим ибн Мунзир эди. 10,000 киши Тамим авлодидан эди. Уларнинг бошликлари Дирор ибн Хасин эди. Ва 4,000 киши Абдулкайс кабиласидан эди. Уларнинг бошликлари Абдуллох ибн Жавдан эди.

Бу 40,000 кишидан ташкари яна 7,000 киши Куфадан бўлиб, уларнинг бошликлари Жахм ибн Зажрид эди. 7,000 киши эса Маволийлардан эди. Уларнинг бошликлари Хайён ибн Ийяс эди.

Баъзи кишилар:
— Хайён Хуросондан эди, — дейишар эди.

Бошқалар эса:
— У Дайламий эди, — деб айтган эдилар.

Шу вақтда Хайём Вакийга:
— Агар мен Кутайбага карши урушда сенга ёрдам берсам, сен ўшанда дарёнинг нариги томонидаги шаҳарларни менга берасанми? — деди.

Вакий:
— Бераман, — деди.
Бир гуруҳ халк ўрнидан туриб, Кутайбанинг хузурига келди ва унга:
— Хушёр бўл ва гафлатда колма! Чунки халкнинг кўп қисми Вакий билан байъат килди, — дедилар.

Кутайба бу гапга ишонмади. Шу кеча Вакий Абдуллох ибн Муслимнинг уйига келган, у ерда шароб ичган эди. Абдуллох ҳам ўша ерда хозир эди. У Кутайбага:
— Бу гаплар ёлгон. Ва Вакийга тухмат килишмоқда. Вакий бу кеча мен билан эди. Ва менинг уйимда шароб ичиб, ўзини билмай колгунча маст бўлди. Кейин уни менинг уйимдан ўзини билмайдиган ҳолатда чиқариб, ўз уйига олиб кетишди. Уларнинг шундай гапирган сўзлари ботил ва ёлгондир. Бу иш умуман бўлмаган, — деди.

Халк Вакий билан байъат килганларида унга шундай дедилар:
— Эй Абу Мутриф! Биз сен билан байъатни Сулеймон ибн Абдулмалик учун килдик. Шу шарт биланки, сен унга бўйсунасан. Ва унинг юборган амирини қабул қиласан!

Вакий ҳам:
— Қабул қилдим! — деди. — Хар ким Сулеймоннинг хузуридан келса, мен унга итоат

киламан! — деди.

Кутайба сўнгра Дирор ибн Синон исмли бир кишини гап-сўз олиб бориши учун Вакийга юборди. Бу гапнинг хакикати билишни хохлади. У киши Вакийнинг хузурига борди. У билан байъат килди. Кейин Кутайбанинг хузурига қайтиб, воқеаларни маълум килди.

Шунда Кутайба яна Вакийга одам юбориб:

— Кел, сен билан гаплашайлик. Сирли сўзларим бор! — деди.

У одам Вакийнинг хузурига келганида, Вакий ўзини касал кўрсатиб:

— Оёғимда чичи чиқди, — деди. Унинг ёнидаги икки киши ярасини даволашар эди.

Шунинг учун у гаплашмади.

Келган киши:

— Эй Абу Мутриф! Амирга жавоб бер, — деди.

Вакий эса:

— Нима деб жавоб берсам? Холимни кўриб турибсан, — деди.

Бу киши Кутайбанинг хузурига қайтиб, бу ҳолатни хабар берди.

Кутайба:

— Яна бор! — деди.

Дирор ибн Синон эса:

— Мен унинг оёғида бир озор кўрдимки, у хатто кимирлай олмайди. Мен хохлайманки, у шу касалликдан ҳам кутулмасин, — деди.

Кутайба:

— Бор, ташлаб қўйма, мутлако олиб кел! Агар келмаса, бир нарига (носилка) қўйиб олиб кел! — деди.

Дирор борди ва Вакийга:

— Амир шундай буюрдики:

— «Агар у кела олмаса, бир нарига қўйиб, мутлак олиб келинг!» — деди.

Вакий:

— Агар халк мени кўзгатса, ярам ҳам кучаяди, хасталигим ҳам зўрайиб кетади, — деди.

Дирор қайтиб, бу хабарни Кутайбага етказди.

Кутайба бу сафар Шарик ибн Самитни Дирор билан бирга юбориб:

— Вакийни тезда менга олиб келинг! — деди.

Тамама исмли бир киши Вакийнинг хузурига келиб:

— Тайёрлан! Кутайба сени ушлаб олишни истамокда! — деди. Ва ўзи ҳам Вакийнинг олдида колди.

Вакий бу Тамамага:

— Хозир мунодийлар чикиб, чакирсинлар. Бизнинг билан байъат килганлар курулларини тайёрлаб, бизнинг хузуримизга келсинлар! — деди.

Тамама бу буйрук бўйича иш килди.

Биринчи бўлиб Вакийнинг хузурига Темим авлодидан 8,000 киши билан Харм ибн Абу Тахма келди.

Вакий курулини такиб, уйдан чикди. Байъат килган халк дархол Вакийнинг хузурига келдилар. Вакий келганларнинг барчаси тайёр эканини кўриб, Кутайбанинг саройи томон юзландилар.

Кутайбанинг одамларидан бир гурух Вакийнинг рўпарасига келиб:

— Эй Абу Мутриф! — дедилар. — Аллохдан кўрк! Бу кандай ишки, сен шундай киялпсан? Кутайба ҳеч қачон сенга ёмонликни ўйлаган эмас!

Вакий ўз тарафдорларига шундай деди:

— Бу кишилар, агар мен Кутайбанинг хузурига борсам, менга ҳеч нарса килмасликларини айтяпти. Валлохи, улар ёлгон гапиряптилар! Шу вақтдан кейин, ё унинг боши менга келтирилади...

— Ёки менинг бошим унга етказилади, — деди Вакий.

Шу захоти тўрт тарафдан кўплаб халк курулланган холда етиб келдилар. Вакий ҳам ўрнидан туриб, Кутайбанинг саройига йўл олди.

Кайс авлодидан бўлган қабила ҳам йигилиб, Кутайбага ёрдам беришни истади. Лекин ўзларида Вакий билан жанг қилишга қувват топа олмадилар.

Шу пайтда Кутайба ўтирган эди. У эшик олдидаги тўпланишни кўриб:

— Бу кандай тўпланиш? — деб сўради.

Унга:

— Вакий, аскар йигиб, сенинг устингга келмокда, — дедилар.

Шу пайт Кутайба чикиб, тахтига ўтирди. Унинг танасида факат кўйлак ва елкасига ташланган ридоси бор эди. Онаси унга бир саргич ҳам жўнатган эди. Унга ўраб, қиличини кўкрагига осиб олди. Ака-укалари ва ўз одамлари билан сарой эшигига чикди.

Бу воқеадан аввал Кутайба ўз одамларидан бири — Язид ибн Муслимни танкид қилган эди. Бу киши эса шу холда Кутайбага қарши халкни қўзғатишни бошлади.

Кутайба унинг овозини эшитиб:

— Бу чақираётган ким? — деб сўради.

Унга:

— Язид ибн Муслим. У халкни сенинг устингга кўзгатмокда, — дедилар.

Кутайбанинг ёнида Мухфир исмли бир киши бор эди. Унга:

— Амир фарзандларини чакир, менинг хузуримга келсинлар, — деди.

Кутайба уларни ҳам танкид килган эди. Мухфир:

— Улар ҳам ўша одамлар каторидадир. Чунки сен улардан юз ўгирган эдинг, — деди.

Кутайба:

— Аллох таолога касам, орамизда бунчалик якинлик бор! — деди.

Мухфир эса:

— Сен биздан юз ўгирдинг. Аллох таоло кечирмаса, биз кандай кечирамиз?! — деди.

Бу сўз Кутайбага жуда огир ботди. Ва у каттик хузнга чўмди. У шундай байт ўкиди:

"Эй нафс! Сенга келган аламга сабр килиш лозим!

Чунки менга самимий бўладиган бир дўст топилмади."

Унинг ёрларидан бири бор эди. Уни Майсара ал-Жадалий деб аташар эди. У киши:

— Эй амир! — деди. — Агар хохласанг, хозирок Вакийнинг бошини сенинг хузуригга олиб келай, — деди.

Кутайба эса:

— Кўлингдан келмайдиган ишни айтма! — деди. — Тургандан жойингда тур!

Шу пайт Хайён ан-Нибтий, ажамлардан бир гурух кишилар билан келди. Кутайбанинг олдида тўхтади. Ва Абдуллох ибн Муслим ҳам хозир эди.

Абдуллох Хайёнга:

— Хужум кил! — деди.

Хайён:

— Хали вакти эмас, — деди.

Бу сўз Абдуллохга ёкмади:

— Мени шубхада колдирдинг! — деди.

Хайён эса:

— Бу вакт шубха килиш пайти эмас! — деди.

Вакий Хайёнга одам юборди:

— Биз килган ахд кайда колди?! — деди.

Чунки иккаласи аввал ахдлашган эдилар. Хайён аввал ўзига ўглига:

— Качон мен юзимни Вакий томон бурсам, сен ҳам ўз кавминг билан ортимдан кел, — деб тайинлаган эди.

Шундан сўнг, Хайён ўз аскарлари билан Вакийнинг хузурига борди. Унинг ўгли ҳам унинг ортидан келди. Вакийнинг ёрлари кувониб, такбир айтдилар.

Кутайба ўз акаси Муслих ибн Муслимни хузурига чакирди. Уни жангга юборди.

Муслих ибн Муслим жангга киришди. Дабба авлодидан бўлган Сулаймон исмли бир киши уни бир ўк билан ўша захоти ўлдирди.

Уни олиб, Кутайбанинг хузурига келтиришди.

Бу Муслих, барча Муслим авлодининг энг кексаси эди.

Кутайба унинг олдида борди. Унинг боши олдида бир соат ўтириб, йиглади.

Шундан сўнг, унинг яна бир акаси Абдурахмон ибн Муслим эди.

У олдинга чиқди ва жанг қилишни истади. Ханифа авлодидан бўлган бир кул уни бир ўк билан ўлдирди.

Шу пайт Язид ибн Анам ал-Аздий ўз кавмига шундай деди:

— Эй кавм! Валлохи, мен Кутайбанинг кулогидан эшитдим. У:

— «Валлохи, агар имконият топсам, Аздийларни шундай синдираманки, улардан биронтаси қолмайди!» — деган эди.

Шундан сўнг Аздийларнинг барчаси бир йўла Кутайбанинг саройига юриш қилди.

Кутайбанинг одамларидан Жаҳм ибн Заҳр олдинга чиқиб, жанг қилишни истади. Унинг қўлида қамон ва ўқ бор эди. Хайём ибн Ийяс уни қўриб, олдинга юрди ва қилич билан шундай зарба бердики, отининг боши ерга тушди.

Жаҳм ўзини отдан ташлади ва Хайёмнинг устидан ҳужум қилди. Хайём унинг олдидан йўл бериб, Вакийнинг хузурига келди.

Вакий:

— Кутайбанинг отхоналарини ёқинг! — деб буюрди.

Оташ ёқилди. Отқоналар ёнганда, катта галаён бошланди. Отқонадаги отлар қўриқиб, ҳаммаси тарқалиб кетди.

Кутайба от қидирди. Минмокчи эди, лекин от топа олмади.

Ўзича:

— Балким, пешонамизга буюк иш ёзилгандир... — деди.

Шу пайт Кутайбанинг муаззини олдинга чикиб:
— Эй амир! Жангни кандай килайлик?! — деб сўради.

Кутайба:
— Аллох ва Унинг расули учун! — деди.

Муаззин ҳам жангга кирди. У ҳам ўлдирилди.

Вакийнинг аскарлари Кутайбанинг хузурига етиб келганида, Ийяс ибн Бахман, Абдуллох ибн Валид ва Абдулазиз ибн Хориб Кутайбанинг ёнида эдилар.

Лекин улар ҳам тезда таркалиб кетди.

Кутайба ёлғиз колди.

Хайсам ибн Мунхал аввал Кутайбанинг кабиласидандир.

Кутайба унинг юзини кўриб, Вакийга тобе бўлганини ва ўзига карши келаётганини тушунди.

Шунда у ушбу байтни ўкиди:

"Халк энди шуни танлади, ишлар очик,
Кун каердан чикса, юзини ўша томон боради."

Шундан кейин Аздийлар ва Бакрийлар кабилалари тезлик билан Кутайбанинг устидан юриш килди.

Хар бир киши Кутайбани ўлдириш учун борди.

Улардан бири Саъид ибн Бахр ал-Аздий ва
бири Жахм ибн Зажр ал-Жуфий эди.

Жахм Кутайбани бир ўк билан урди.

Кейин Саъид ибн Бахр ал-Аздий унга килич билан зарба бериб ўлдирди.

Кутайбанинг 11 та укаси бор эди.

7 нафари отаси Муслимдан тугилган,
4 нафари эса ўгай ака-укалар эди.

Отаси Муслимдан тугилган фарзандлар:

1. Кутайба
2. Абдурахмон
3. Амр

4. Абдуллох
5. Муслих
6. Ясар
7. Мухаммад

Кутайбанинг бошини кесиб, Вакийнинг хузурига олиб келишди.

Вакий бошни олиб келган кишига 1000 дирхам берди.

Сўнгра бу кесик бошни Басит ибн Абдулкарим оркали халифа Сулеймон ибн Абдулмаликка юборди.

Бу воқеа хижрий 96-йилда содир бўлган эди.

Ушбу йили Сулеймон ибн Абдулмалик, Халид ибн Абдуллохни Макка ҳокимлигидан четлатиб,
Макка ҳокимлигини Талха ибн Довудга берди.

Шу йили Маслама ибн Абдулмалик яна Византияга газот килди
ва Хисн-Авн (Хисари)ни фатх килди.

Тарихи Табарийдан
Абу Муслим таржимаси